



...Тўй ва таъзияга сарф килинатургон окчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анкариб оврупойилардек тараккий этармиз ва ўзимиз-да, динимизда обрўй ва ривож топар...

Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёйинки, сил, сил-ар-ия (ўпка сили) ва махавликними дерсиз? Йўк, андан хам ямонрок ва андан хам жонхарош (жон азоби), бевоёя, хонавайрон ва гариб этгувчи бир дард, биз – туркистонийларни шаҳри ва кишлоки ёйинки ярим маданий, ярим вахший синфларимизгача истило этиб, бутун тириклигимизга сорилган ва бизни инкирозга ва тахликага ва жаханнамга юмалатургон тўй, азо исминдаги икки каттол душманни дерман.

Атомиздан меҳрибон Тангримиз жалла ва аъло Куръони каримда “Ло талакку би ядикум ала тахликкатихи”, яъни ўз кўлларингиз ила ўзингизни тахликага отмангиз, дер. Биз бўлса, бадбахтона ва Худонинг амрига бўюн кўймасдан кофирона бир суратда тўй ва азо деган, йўк бўлушимизга сабаб бўлган одатларга бору йўкимизни сарф ва исроф этармиз. Йилда икки ой наврўзи кофири учун сайр этармиз. Бир ой мукаддам Самаркандни Панжакент касабасидаги наврўз сайрига мушак-фишанг отишдан учгина киши ўлуб, ўндан зиёда киши мажрух бўлди. Кўпқари ва улок чопмоқлик одати маълунонсига хар вилоятдан хар сана юзлар ила киши охиратга кўчар, на қадар киши мажрух ва маъюб бўлар. Кўп кишилар сайр ва кўпқари шумлиги ила ишдан ва зироат вақтидан колур. Уйига йўк, хўккузи ва согар сийири йўк экан, бир неча юз сўмга от олиб ва хар куни анга хиндек парастийш этиб, хар кун бир сўм сарф этар, на учун? Тўй ва сайрга кўпқари чопмоқ учун. Ўн-йигирма чакиримга тўй бўлдими, хар ким ишини, дехкончилигини кўюб, отланиб кўпқарига кетар. Дехкон учун олтундан азиз вақт фавайт бўлди- кетди. Эски биргина кун сўнгра йигилган учун ёгинга қолиб, баъзи хирмонлар чириб кетар.

Маълум бир шаҳарда яҳудийлар баъзан ўлукларини окшом элитиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан коларлар. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун хафталар, хатто, ойлар ила ишдан колурмиз. Холбуки, шореъи аъзам, пайгамбари ақрам саллоллохи алайхи васаллам хазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез таркалиб, ишга кетмоқга ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасга, каро қиймасга, кир, фалокат бўлмасга амр этарлар. Эй халк! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни сўзига ва ўзимизни наъфимизга амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан ташқарими (Таклиф-бу ерда, инсоний бурч, вазиф маъносида), Худо учун сўйлангиз. Биз нима?

Шариат китобларидан «Фароиз, яъни Худони буйруги деган китобларга: «Улукни молидан аввалан ўлукга керакли мувофик суннат ва исрофсиз кафан килиб, дафн килмокга сарф килинсун, сўнгра карзии берилур. Сўнгра ортган молларни -варасасига мувофики шариат Таксим килиниб берилур», — дейилган экан, биз билъакс кафандан сўнгра карзга бермай ва хатто, сагир ва бенаво хотунларни меросини йиртиш, азойи, садака, хайрот, билмайман, нималар ужраси деб, карздан ворисидан илгари таксим килиб олармиз. Беш-олти маърака ва худойи, 8—10 жумъа окшоми деб бутун махалла ва кишлок халкига палов берармиз. Баъзи бир бечора сагир ва муштипар аёллар меросдан ва хакларидан ноқис олурлар. Баъзи карзхохларни хакки худойи ва хайрот, нохудойи ва шаррот сабаби ила куюб кетар. Бечора ўлукни зиммаси карздан кутулмай колур. Худо учун айтингиз, бу хайротми, бу худойими? Беш—олти кун сўнгра бу худойи ва хайротлар учун варасани хакки бўлган мол ва ерлар сотулур. Берилган дангга адрас, азойи ва ганиларни олган йиртиш ва садакалари учун берилур. Энди бечора вариса дарбадар, хам отадаи, хам ватандан айрилди-кетди. Бир ўртахол, бир бечора факир ўлар. Онинг гани якини ўлукни эгаси бўлуб, вариса молини «обрўй» этарман, деб исроф ва барбод этар. Натижада бечора вариса дарбадар. Эй, уйинг обод, обрўй килгувчи! Улган ул, санга нима? Сан, гани, ўз ўлукингга обрў килгонинг бас эмасми?

Астагфурилло, субхонолло. Бизни килатургон ақлсизлигимизни кайси миллат килур? Никох, хатна, бу икки бало шундог каттик бир иллатки, ўлмагунча кутулуб бўлмайдур. Шахарларда ўртахол, яъни ўтурарга хона ва боги бор бир киши никох учун икки минг сўм сарф этар ва ўгул хатнаси учун ҳеч бўлмаганда минг сўм. Хар бир бенаво киши бу мавридларга 200 сўмдан 1000 сўмгача сарф этар. Бой ва зўраки бойлар эса беш минг, ўн минглаб сарф этар. Охири нима бўлур? Нима бўлур дейсиз? Ота-бобосидан колган мулк ва ватанини ўз ихтиёри илан зўраки бойни ўзи ўлгандан сўнгра бир яхудий ё бир армани ажнабийга сотиб, тўй ва таъзия карзини берар. Узи сотмаганда судга сотилур. Мана, юкоридаги сарлавхада «Бизни кемиргувчи иллатлар» деган одатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур.

Бир дўкончи, бир гулкор, бир факирхол, бир косиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлумдан катигдурки, мунинг учун бечора хар кун ўлур. Хар кун ўлгон илада кутулмас. Узидан сўнгра ахлу аёлига бу йўқсуллик ва бу мусибатни мерос кўяр. Хўб, яхши, ўз молини тўй ва таъзияга исроф этсун, барбод этсун, кўзи чиксун. Хай, бонка окчасини, биров пулини на учун барбод этар. Бу девоналикни у тарафи эмасми? Бу хол ила 20—30 сана ўтса, ер ва хавлилар ажнабийларга ўтуб, аксар халкимиз гадойлик даражасига инур. Эллик сана мукаддам ер сотилса, бир мусулмон оларди, энди бошқалар олур. Мана, энди биз шу хол илан яна йигирма — ўттуз йил ўткарсақ, халкимизни ярмидан зиедаси ватансиз, ерсиз дарбадар бўлатургони маълум ва ошқордур. Бир хавлида, бир рўзгорда, масалан, икки ўгул, икки киз бор. Ато ўлса, ани моли тўрт бўлунур. Аларни хар бирига никох ва хатна ва ўлум мавридлири мукаррардур. Ўзларини замонча илми ва хунари йўқки, контурга, махкамага, бонкага кириб вазифа олса. Энди лоилож атторлик ва ё бакколлик ва у бўлмаса, муздурлик ва мардикорлик килиши лозим келиб, бу ишлардан факат аларни корни тўядур. Ортдурмокка йўк. Мунинг устига тўй ва таъзия деган дахшатлик балолар келгандан сўнгра бу азиз оила ва рўзгорга ёниб кул бўлмокдан бошка илож йўқдур. Эллик сана мукаддам бир қариш ер бир пул экан, энди бир олтун ва келарга ер олтунга хам топилмайдур. Кириш ва Кафкоз мусулмонларида бизлардек ер кадрили билмаслар экан. Энди Киришда бир таноб (600 сажин) ер ўн минг сўмдан ўттуз минг сўмгачадур. Биз бир таноб еримизии 200 сўм сотиб тўй килмокчи бўлсак, «ерни хўб пулга урдум» деб

мажнунона шодланурмиз. Инсонни бу қадар аҳмоқлиги ажибдур. Бизга лозимки, тўй ва таъзияларни кичик қилиб ва хо-лимизча ҳаракатда бўлуб, келар замонимизни ўйлайлуқ. Валлоҳ, хору зору мунқариз бўлмоқ эртага офтобни чиқишидек муқаррардур.

Самарқандда бир маҳалла борки, аксар халқи фақру заруратдан, тўғриси, ақл ноқислигидан ҳавлиларини пулга қизиқиб яҳудийларга сотган учун маҳаллага оз мусулмон қолди. Маҳалла мактаби йўқ бўлди. Масжиди-да яқинда йўқолур. Мана, бизни ақлсизлигимизни охири ва исрофларимизни хотимаси динимизга футур келмоқига сабаб бўлур. Дин учун, масжид ва мактаб учун ақча, сарват, давлат, сомон керақдур. Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараккий этармиз ва ўзимиз-да, динимизда обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги холимизга давом этсак, дин ва дунёга қиллат ва мисқинатдан бошқа насибамиз бўлмайдур.

Қо эътабару йо аввал ул-абсар!

Маҳмудхўжа Бехбудий

“Ойна” журнали, 1915 йил, 13-сон